

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТошПТИ ректори

Б.Т.Дамиев

“ ” 2022 й

“КЕЛИШИЛДИ”

ТошПТИ ўқув ишлари проректори

Қ.Н.Хаитов

“31” 08 2022 й

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 2022-2023 ўқув йилида Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда № 3069 қайд рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилган “Тиббиёт олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом” I-II-III курс талабалари учун қўлланилади.

**Тиббиёт олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда №3069 қайд рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 сентябрдаги 820-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги низом асосида ишлаб чиқилган

1-боб. Умумий қоидалар

1.Мазкур Низом 2018-2019 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда қўлланилади.

2.Мазкур Низом талабалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланилмайди.

3.Талабалар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан биринчи машғулотда мазкур Низом талабалари билан таништирилиши шарт

4.Талабалар билимини баҳолашда малакавий амалиёт, курс иши, фан (фанлараро) давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек магистратура босқичида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади.